

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМРАЕВ АКБАР ХАЙРУЛЛОЕВИЧ

**ҚИЗИЛЎНГАЧ ИНТРАМУРАЛ НЕРВ АППАРАТИНИНГ
МОРФОЛОГИЯСИ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЖИГАР ЦИРРОЗИ
ҲАМДА ПЕСТИЦИД ТАЪСИРИДАГИ РЕАКТИВ ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ҳамраев Акбар Хайруллоевич

Қизилўнғач интрамурал нерв аппаратининг
морфологияси ва экспериментал жигар циррози ҳамда
пестицид таъсиридаги реактив ўзгаришлари 3

Ҳамраев Акбар Хайруллоевич

Морфология интрамурального нервного аппарата
пищевода и реактивные изменения его при экспериментальном
циррозе печени и воздействии пестицида 23

Khamrayev Akbar Hayrulloevich

Morphology of the intramural nervous apparatus of the
esophagus and its reactive changes in experimental
liver cirrhosis and pesticide exposure 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМРАЕВ АКБАР ХАЙРУЛЛОЕВИЧ

**ҚИЗИЛЎНГАЧ ИНТРАМУРАЛ НЕРВ АППАРАТИНИНГ
МОРФОЛОГИЯСИ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЖИГАР ЦИРРОЗИ
ҲАМДА ПЕСТИЦИД ТАЪСИРИДАГИ РЕАКТИВ ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib1484 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Орипов Фирдавс Суръатович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар	Хасанова Дилноза Ахроровна тиббиёт фанлари доктори Шатманов Суйвали Токтоназарович тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қирғизистон Республикаси)
Етакчи ташкилот	И. Горбачевский номидаги Тернополь миллий тиббиёт университети (Украина)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022 Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «13» феврал куни соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru)

Диссертация билан Бухоро Давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (030 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Бухоро шаҳри А. Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс (+99865) 223-00-50.


Диссертация автореферати 2022 йил «23» ноябр куни тарқатилди.

(2022 йил «23» ноябр даги 32 рақамли реестр баённомаси).




А.Ш.Иноятов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор


Д.Н.Ачилова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича
филсафа доктори (PhD), доцент


Б.З.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда ҳазм аъзоларининг функционал ва органик фаолиятини бузилиши касалликлари энг кенг тарқалган гастроэнтерологик патология бўлиб, тиббий ва ижтимоий долзарблиги, аҳоли орасида касалланиш даражасининг йилдан-йилга кўпайиб бориши билан изоҳланади. Жахон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «...дунё аҳолисининг чорак қисмида ҳазм аъзоларининг функционал ва органик фаолиятини бузилиши кузатилади ва касаллик аломатлари бўлган беморларнинг 75% гача тиббий ёрдамга муурожаат қилмайди ва ўзини-ўзи даволайди...»¹ Касалликни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири атроф-муҳитни ифлослантирувчи пестицид каби кимёвий моддалар ҳисобланади. Айти пайтда ҳазм аъзоларининг функционал ва органик фаолиятини бузилишини эрта аниқлаш, хавф омилларнинг таъсирини баҳолаш, морфологик ва морфометрик ўзгаришларни таҳлил қилиш, ҳамда касалликнинг асоратларини олдини олиш учун патогенетик жихатларини аҳамиятга олган ҳолда даво муолажаларини буюриш, касалликнинг учраш эҳтимоллигини камайтириш, тиббиётда ечими топилиши зарур бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

Жахонда пестицидларнинг барча истеъмол маҳсулотларида қолдиқлари мавжудлиги туфайли ҳазм аъзолари нерв аппаратида таъсири, эмбрионал ривожланиш вақтида турли хил туғма нуқсонларнинг келиб чиқиши, ички аъзолар ва асаб тизимларнинг морфофункционал ўзгаришини инобатга олган ҳолда касаллик кечишини башорат қилиш, даво муолажаларининг муддатини белгилаш ва бу усулларни янада такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада қизилўнгач деворида кўндаланг тарғил ва силлиқ мушак тўқималарининг нисбий жойлашуви турли тажриба ҳайвонларида ҳар хил даражада эканлиги, шунингдек унинг қон билан таъминланиши турли хил манбалар ҳисобига амалга ошириши, унинг солиштирма морфологиясини таҳлил қилиниши, томирларнинг (артерия, вена ва лимфа томирлари) адренергик иннервациясини ўрганиш, шунингдек пестицидлар таъсиридаги ҳазм системасидаги морфологик ўзгаришларини аниқлаш орқали даво муолажаларини индивидуал танлаш, беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш, шунингдек самарали даволаш тартибини амалиётга тадбиқ қилиш чора тадбирлар комплексини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, ҳазм аъзоларининг функционал ва органик фаолиятини бузилиши касалликлари ва унинг асоратларини камайтириш, шунингдек, касалликнинг даволаш усулларини такомиллаштириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг тараққиёт стратегиясидаги етти устувор йўналишлари бўйича «...аҳоли заиф тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-

¹ Н.М. Козлова Овқат ҳазм қилиш тизимининг функционал касалликлари. Иркутск. ИГМУ. шифокорлар учун ўқув қўлланма. 2013.

ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган...»². Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда куёнлар қизилўнгачи проксимал, ўрта ва дистал қисмлари девори тузилишининг қиёсий морфологик ва морфометрик таҳлили, қизилўнгач интрамурал нерв аппарати таркиби тавсифи, артерия, вена ва лимфа томирлари адренергик иннервациясининг солиштирма таҳлили, уларнинг экспериментал жигар циррози шароитида ўзгаришларини баҳолаш натижасида касалликларининг профилактикасини ишлаб чиқиш, ҳамда даволаш тадбирларини такомиллаштириш орқали касаллик асоратларини камайтириш имконини берган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг етакчи илмий марказлари олимлари жигар циррози натижасида юзага келган портал гипертензия билан оғриган касалларда ҳазм найи шиллик пардаси капиллярлар тўрининг морфологиясини ўрганиб, портал гипертензия даврида унинг ангиогенези кучайишини таъкидлаб ўтишган (Хомерики С.Г., Захарова И.Н. 2021, Зайратьянц О.В. ва ҳаммуал. 2020). Бу эса микроциркулятор ўзанининг майда қон томирлари кўпайишига, шунингдек эндотелиоцитларнинг пролеферациясига олиб келишини исботлашган. Илмий тадқиқотларда портал гипертензияни моделлаштиришнинг усуллари ишлаб чиқилган (Гарбузенко Д.В. 2018), жигар портал гипертензиясида пентоксифиллин препаратини самарадорлигини баҳолаш (Мироджов Г.К. 2018), жигар циррози билан асоратланмаган портал гипертензиянинг жигар етишмовчилиги белгиларисиз кечиши, ва бундай касалларнинг ўлим ҳолатлари қизилўнгач ва ошқозон варикоз кенгайган веналаридан қон кетиши билан боғлиқлиги (Могилевец Э.В. ва ҳаммуал. 2015) ва алкоголь билан захарланишнинг жигар касалликлари келиб чиқишида хусусан портал гипертензия юзага келишидаги аҳамиятини ва бу жараёнда жигар морфологиясини ўрганиб, сурункали алкоголь истеъмол қилувчи одамларда

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони

жигар касалликлари ва портал гипертензиянинг келиб чиқиш хавфи ортишини аниқлашган. Уларнинг фикрича гастроэзофагал қон кетишида режали операциядан кўра зудлик билан операция қилиш ўлим ҳолатини 30% га камайтиради, қизилўнғачнинг варикоз кенгайган қисмини тиклаш эса яхши натижалар беради.

Жигар функцияларининг бузилиш даражасини доимий кузатиб бориш ва бу жараёнлар портал гипертензия ривожланишининг ва қизилўнғачдан қон кетишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши асосланган. Ички аъзолар нерв, эндокрин ва иммун аппаратларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда адренергик ва холинергик нерв тузилмаларининг, ҳазм найи шиллик пардаси иммун системаси афферент ва эфферент звеноларининг, эндокрин хужайраларининг ҳазм найи фаолиятини бошқаришдаги аҳамияти кўрсатилган (Чорнин В.В. ва ҳаммуал. 2018).

Ўзбекистонда охириги йилларда ҳазм аъзоларининг функционал ва органик фаолиятини бузилиши билан боғлиқ муаммоларига бағишланган илмий-тадқиқотлар Дехқонов Т.Д., ва ҳаммуал. (2021) томонидан амалга оширилган, ҳамда ушбу изланишларда нейрогистологик ўзгаришларни баҳолаш, ҳазм тизими ангиогенезини ўрганиш ва эндокрин бошқаруви дисбаланси натижасида касалликлари ривожланиши, уларнинг тарқалиши, ҳамда нейрогистологик бузилишлар билан боғлиқлиги аниқланган. Ҳазм аъзоларининг функционал ва органик фаолиятини бузилиши касалликларида пестицидларнинг маҳаллий бошқарувчи тизимларга таъсири етарлича ўрганилмаган, бу ўз навбатида мазкур муаммолар бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, ҳазм аъзоларининг функционал ва органик фаолиятини бузилиши касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва даволаш тамойилларини такомиллаштириш замонавий тиббиётнинг энг муҳим муаммоси бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 5436 №012000260 "Инсон учун ижтимоий аҳамиятга эга инфекция ва ноинфекцион этиологияли касалликларнинг профилактикаси, диагностикаси ва давоси учун илғор технологияларни ишлаб чиқиш." (2019-2023 йй) илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади тажрибада қизилўнғач юқориги, ўрта ва пастки қисмлари деворининг интрамурал нерв аппарати, қон ва лимфа томирлари адренергик иннервациясининг солиштирма морфологиясини таҳлил қилиш орқали ўзгаришларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қуёнлар қизилўнғачи ҳар хил қисмлари қон ва лимфа томирларининг киёсий морфологик ва морфометрик хусусиятларини ўрганиш ва асослаш.

қизилўнғачнинг ҳар хил қисмлари интрамурал нерв аппарати морфологиясининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

қизилўнғач девори қон ва лимфа томирлари адренергик иннервациясининг солиштирма морфологиясини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

экспериментал жигар циррози ҳамда циракс пестициди билан экспериментал захарланиш шароитида қуёнлар қизилўнгачи ҳар хил қисмлари интрамурал нерв аппаратида ҳамда қон ва лимфа томирлари адренергик иннервациясида юзага келадиган морфологик реактив ўзгаришларни таҳлил қилиш ва асослаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 50 та етук ёшдаги (9-12 ойлик) соғлом қуёнлар тажриба учун танлаб олинган.

Тадқиқот предмети сифатида қуёнлар қизилўнгачи юқориги, ўрта ва пастки қисмлари деворларидан олинган гистологик кесмалар, жигар тўқимаси ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида қўйилган мақсадга эришиш ва масалаларни ечиш учун гистологик, гистокимёвий, нейрогистологик, люминесцент-гистокимёвий ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қуёнлар қизилўнгачи проксимал, ўрта ва дистал қисмлари девори тузилишининг қиёсий морфологик ва морфометрик таҳлили ўтказилган ва дистал қисмида яқка жойлашган веналар чигали (артериялар кузатувисиз), кучли ифодаланган лимфа томирлари ва безлар комплекси аниқланган.

қуёнлар қизилўнгачи интрамурал нерв аппарати таркибида ҳар хил шаклдаги ҳаракатлантирувчи нерв охирлари аниқланган ва уларнинг морфологик тавсифи берилган.

тажриба ҳайвонларида экспериментал жигар циррози шароитида қизилўнгач дистал қисми интрамурал нерв аппаратида, ҳамда қон ва лимфа томирлари адренергик иннервациясида кузатиладиган. (нerv толаси гиперимпрегнацияси ва қон томирлар гипертрофияси, деворининг юпқалашуви) морфологик ўзгаришлар асосланган.

ўсимликлар зараркунандаларидан химоя воситаси циракс пестицидининг тажриба ҳайвонлари қизилўнгач интрамурал нерв аппарати, ҳаракатлантирувчи нерв охирларига салбий кимёвий таъсири морфологик жиҳатдан асосланган ва солиштирма тавсифи берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қизилўнгач дистал қисмида бошқа қисмларидан фарқли равишда юза жойлашган веналар чигали мавжудлиги аниқланган.

жигар циррози ва пестицид билан захарлантириш натижасида қизилўнгачнинг ҳар хил қисмлари қон ва лимфа томирларидаги реактив ўзгаришларнинг солиштирма морфологияси таҳлил қилинган.

экспериментал жигар циррози ва пестицидлар таъсирида қизилўнгач ҳар хил қисмларида юз берадиган реактив ўзгаришларда интрамурал нерв аппаратининг аҳамияти ва солиштирма морфологияси асосланган.

қизилўнгачнинг ҳар хил қисмларида экспериментал жигар циррози ва пестициддан захарланиш натижасида ривожланадиган қон томирлари ва интрамурал нерв аппаратидаги реактив ўзгаришларнинг солиштирма таҳлилий натижалари асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий

жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, бир-бирини тўлдирувчи умумгистологик, гистокимёвий нейрогистологик, люминесцент-гистокимёвий ва статистик-тахлилий текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қизилўнгач юқори, ўрта ва пастки қисмлари деворининг, улар интрамурал нерв аппаратининг ҳамда қон ва лимфа томирларининг адренергик иннервациясининг солиштирма морфологияси, дистал қисмида яқка жойлашган веналар чигали (артериялар кузатувисиз), кучли ифодаланган лимфа томирлари комплекси, интрамурал нерв аппарати таркибида ҳар хил шаклдаги ҳаракатлантирувчи нерв охирлари мавжудлиги, экспериментал ва экстремал таъсирлар натижасида ўзгаришини морфологик асослаб беришлиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижасининг амалий аҳамияти экспериментал цирроз шароитида ҳамда экстремал омилларнинг таъсирида қизилўнгач девори ва айниқса унинг пастки қисми бошқарув тузилмаларида юзага келадиган салбий ўзгаришларни асослаш ва бундай ҳолатларда жигар циррози натижасида қизилўнгач девори қон ва лимфа томирлари нерв аппаратининг тикланиши имконияти кескин чегараланишини, экспериментал циррозда ва пестицид билан заҳарланиш натижасида қизилўнгач деворида юзага келадиган ўзгаришларни олдини олиш натижалари асосида шаклланган амалий тавсияномалар тадбиқ этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экспериментал ҳайвонларда қизилўнгачнинг ҳар хил қисмлари нерв, қон ва лимфа томирларидаги реактив ўзгаришларнинг солиштирма морфологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

экспериментал кўёнларда экстремал таъсирлар натижасидаги морфологик ва морфометрик параметрларини баҳолаш имконини берган “Қизилўнгач интрамурал нерв аппаратининг морфологияси” услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 5 майдаги 8н-м/430-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада қизилўнгачда пестицид таъсирида нерв билан таъминланишининг морфологик ўзгаришлари тахлили асосида диагностика самарадорлигини ошириш ва кузатиладиган асорат частотасини камайтириш имконини берган.

қизилўнгачнинг шикастланиши турли даврларида морфологик ва морфометрик параметрларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Самарқанд давлат тиббиёт университети 1-сон клиникаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 20 июндаги 8н-з/311-сонли хулосаси). Олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этилиши пестицид таъсирида юзага келадиган қизилўнгачнинг нерв, қон ва лимфа томирларидаги морфологик ўзгаришларни эрта аниқлаш натижасида

касаллик кечишини башорат қилиш, ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни профилактикасини оптималлаштиришга, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатсия комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг хажми 102 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қизилўнгач интрамурал нерв аппаратининг морфологияси, экспериментал жигар циррози ҳамда пестицид таъсиридаги реактив ўзгаришларига бағишланган илмий адабиётлар шархи»** деб номланган биринчи бобида етарли миқдорда тиббий-биологик муаммолар ёритилган замонавий, маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Қизилўнгач интрамурал нерв аппарати тизими морфологияси бўйича кўплаб адабиётлар, уларни таҳлил қилиш орқали ўрганилаётган мавзунинг муаммолари аниқланган. Овқат ҳазм қилиш аъзолари найи ва жигар ҳамда уларнинг бошқарув тизимларига оид адабиёт манбаларининг таҳлили, ушбу бошқарув тузилмаларнинг ўзаро муносабатлари ёритилган манбалар келтирилган. Бундан ташқари, ўсимликларни ҳимоялаш учун ишлатиладиган кимёвий воситаларнинг организмга таъсири, биосферада пестицидларни айланиши ва уларнинг организмдаги тизимлар, ҳамда бошқарув тузилмалари морфологиясига таъсири ёритилган етарли миқдорда зарурий адабиётлар ҳам таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Қуёнлар қизилўнгачи ҳар хил қисмларининг ва интрамурал нерв аппаратининг, қон ҳамда лимфа томирлари адренергик иннервациясининг морфологиясининг ўрганиш бўйича материаллар ва услублар»** деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини таъминлайдиган тадқиқот усуллари ва ёндашувлар тўлиқ тавсифланган. Белгиланган вазифаларни бажариш учун ўрганиш материали ва тажриба учун

50 та етук ёшдаги қуёнлар олиниб, уларнинг 10 таси назорат гуруҳини, 40 тасини тажриба гуруҳларини ташкил қилган. Биринчи тажриба гуруҳи хайвонларига ҳар 10 кунда зонд ёрдамида ошқозон ичига 5 ДОК миқдорда циракс пестицидини сувли эмульсияда қуйиш йўли билан тажриба ўтказилган. Назоратдаги қуёнларга дистилланган сувни худди шу муддатларда, худди шу ҳажмда қуйилган. Иккинчи тажриба гуруҳи хайвонларида экспериментал равишда цирроз касаллиги чақирилган. Назорат ва тажрибадаги қуёнлар бир хил шароитда ва бир хил озикланиш рақioniда сақланган. Тажрибалар «Тажриба ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланилувчи умуртқали хайвонлар ҳимояси 2010 йил 22 сентябрдаги Европа Парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг илмий мақсадларда фойдаланиладиган хайвонларни ҳимоя қилиш бўйича 2010/EU директивасига асосан олиб борилган. Айнан шу бобда материалларни қотириш ва гистологик ишлов беришнинг инновацион (диссертант томонидан ишлаб чиқилган) усуллари келтирилган. Гистологик, нейрогистологик, люминесцент-гистокимёвий микроскопия тадқиқот усулларида фойдаланишга асосланган.

Етук ёшдаги соғлом қуёнлар қизилўнгачи ва жигари билан бирга олиниб, қотирилган ва парафинга қуйилган. Бунда қизилўнгачнинг бир қисми фиксациясиз криостатда музлатилган ва ундан олинган кесмаларга глиоксил кислотаси билан адренергик нерв толаларини аниқлаш мақсадида Швалев В.Н. ва Жучкова Н.И. услуги бўйича ишлов берилган. Қизилўнгачнинг парафинли кесмаси Ван-Гизон, гематоксилин-эозин усуллари бўйича бўялган, Гримелиус усулида кумуш нитрат тузи билан импрегнация қилинган. Фиксацияланган материалнинг криостатда олинган кесмаси буюм ойнасига ёпиштирилиб ва худди шу ҳолатда Бильшовский-Гросс услуги бўйича импрегнацияланган. (Рационализаторлик таклифи учун гувоҳнома № 1910. 12 феврал 2020 й). Нейронларни суправитал бўяш Грублер маркасидаги метилен кўки бўёқларидан фойдаланиб Догел-Эрлих услуги бўйича амалга оширилган. Адренергик нерв тузилмалари ЛЮМАМ-ИЗ маркали люминесцент микроскопда ФС 1-4, ФС 1-6 филтрларидан фойдаланиб ўрганилган.


Нерв тузилмалари зичлиги 256 катакчали ва нуқтали окуляр сетка ёрдамида аниқланган, тузилмаларнинг чизиқли ўлчамлари окуляр линейкада ўлчанган, унинг ўлчамларининг қийматини аниқлаш объект микрометр ёрдамида ўтказилган.

Натижаларни статистик қайта ишлаш Pentium IV компютерида Microsoft Office Excel – 2012 дастурий таъминот тўплами ёрдамида, шу жумладан ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.


Диссертациянинг «**Қуёнлар қизилўнгачи ҳар хил қисмларининг ва интрамурал нерв аппаратининг, қон ҳамда лимфа томирлари адренергик иннервациясининг морфологияси**» деб номланган учинчи бобида қуёнлар қизилўнгачи девори юқори, ўрта ва дистал қисмларининг солиштирма морфологик тузилиши, унинг интрамурал нерв аппарати, қон ва лимфа томирлари тузилишининг, ҳамда уларнинг адренергик иннервацияси морфологиясининг ўзига хос хусусиятлари тўрисида тадқиқот натижалари келтирилган.

Қуёнларда ҳам қизилўнғач бошқа лаборатория ҳайвонлариники каби тўртта пардадан – шиллиқ парда, шиллиқ ости пардаси, мушак пардаси ва адвентиция (диафрагмагача бўлган қисмида) ва сероз парда (диафрагма остида жойлашган ва ошқозонга туташган қисми)дан иборат. Шиллиқ парда ички томондан кўп қаватли мугузланмайдиган эпителий билан қопланган бўлиб унинг остида жойлашган хусусий пластинкада (сийрак шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан иборат) унинг кардиал безлари жойлашган. Мушак пластинкаси асосан бўйлама жойлашган бўлсада айрим соҳаларда циркуляр жойлашув ҳам кузатилган.


Шиллиқ ости пардаси сийрак шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан ва унинг таркибида учрайдиган хусуий безлардан иборат. Бу соҳада кўплаб кон томирлари, шиллиқ ости нерв чигали (Мейснер нерв чигали) ва қизилўнғачнинг дистал қисмида эса лимфа томирларининг тўрини кўриш мумкин. Қизилўнғачнинг мушак пардаси ташқи бўйлама ва ички циркуляр қаватлардан иборат бўлиб, то унинг диафрагма қисмигача кўндаланг тарғил, диафрагмадан пастки қисмида эса силлиқ мушак тўқимасидан иборат. Адвентиция қавати сийрак шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан иборат бўлиб, сероз пардаси қисмида унинг устидан бир қаватли ясси эпителий қоплайди (1-расм).



Қуён қизилўнғачи проксимал қисми назорат гуруҳи (А)



Қуён қизилўнғачи ўрта қисми назорат гуруҳи (Б)




Қуён қизилўнғачи дистал қисми назорат гуруҳи (В)

1-расм. Қуён қизилўнғачи проксимал, ўрта ва дистал қисмлари деворининг кўндаланг кесими. Гематоксиллин –эозин. об.4, ок 6.


Қизилўнғач девори ҳар хил қисмларининг морфометрик тадқиқотлари ўтказилган ва унга кўра қуёнлар қизилўнғачи деворининг умумий қалинлиги унинг проксимал қисмидан дистал қисмига қараб ишонарли даражада орта боришини кўрсатди. Бунда унинг шиллиқ пардасининг қалинлиги юқориги ва ўрта қисмида деярли фарқ қилмагани ҳолда, унинг дистал қисмида кескин қалинлашуви қайд килинди; шиллиқ ости пардасининг қалинлиги эса деярли бир хил эканлигини кўрсатгани ҳолда, мушак пардасининг қалинлиги унинг проксимал қисмидан дистал қисмига қараб ишонарли даражада қалинлаша боришини кўрсатган.

Қизилўнғач эпителиясининг қалинлиги фақат унинг ошқозонга ўтиш қисмида бироз қалинлашувини кўрсатди. Қуёнлар интрамурал нерв аппарати асосан иккита нерв чигалидан иборат: шиллиқ ости пардасида жойлашган

Мейснер (шиллик ости) нерв чигали ва мушак пардасининг қаватлари орасида жойлашган Ауэрбах (мушаклараро) нерв чигали. Бу нерв чигаллари ҳар хил калибрли ва ҳар хил йўналишда жойлашган нерв тутамларидан ва уларнинг кесишган жойида жойлашган нерв тугунларидан (ганглий) иборат. Шиллик ости нерв чигали тугунларининг ўлчамлари нисбатан катта ва улар кўплаб интрамурал нейронлар тутади (2-3 расмлар).



2-расм.



3-расм

2 - расм. Қуён қизилўнгачи шиллик ости нерв чигали интрамурал нерв тугуни. А-нерв хужайралари; Б-нерв толаси; В-нейроглия хужайраларининг ядроси. Бильшовский-Гросс услуби. Об. 20, ок. 10.

3 - расм. Қуён қизилўнгачи мушаклараро нерв чигали таркибидаги узун аксонли (Догелнинг 1 тип хужайралари) нейрцитлар. Бильшовский –Гросс услуби. Об.40, ок.7.

Нерв хужайраларининг орасида кўплаб глиоцитларнинг ва бириктирувчи тўқима хужайраларининг ядролари жойлашган. Шунингдек, нерв тугунларининг морфометрик кўрсаткичлари уларнинг локализацияси, улар соҳасида кесишган нерв толалари тутамларининг калибри билан бевосита боғлиқ. Тугуннинг нейронлари импрегнация даражаси (кумуш тузларини қабул қилиши) ҳар бир нейроннинг препаратга тушган вақтидаги функционал ҳолати билан узвий боғлиқ. Мушаклараро нерв тугунларининг ўлчамлари ва улардаги нейронларнинг сони хилма-хил, шиллик ости нерв тугунлариникига нисбатан нисбий тарқалиш зичлиги кўрсаткичи баландроқ.

Бу иккала нерв тугунлари таркибида ҳам Догелнинг узун аксонли ва тенг ўсимтали нерв хужайраларини ва камроқ ҳолатларда учинчи тип нерв хужайраларини фарқлаш мумкин. Аммо барча ҳолатларда узун аксонли нейрцитлар мушаклараро нерв чигали тугунларида нисбатан кўп учрайди. Узун аксонли нейрцитлар вегетатив нерв системасининг ҳарактлантирувчи нерв хужайралари эканлигини назарда тутилса, бу ҳолатнинг сабаби ойдинлашади. Шунини алоҳида қайд этиш зарурким, барча ҳолатларда узун аксонли нейрцитлар бошқа нерв хужайраларига нисбатан тўқроқ импрегнацияланади.

Нерв хужайралари организмда ўлчами жиҳатидан катта хужайралар бўлганлиги сабабли уларни барча ўсимталари билан микроскопнинг битта

оптик кесмасида кўриб бўлмайди. Шу сабабли уларнинг расми барча ўсимталари билан бирга чизиб олиш имконини яратадиган махсус ускуналар ёрдамида (РА-1) чизиб олинган ва шу расмларга қараб уларнинг қайси тип нерв хужайраларига мансублиги аниқланган. Қуёнлар шиллиқ ости нерв чигали тугунларида кўпроқ тенг ўсимтали, мушаклараро нерв чигали тугунларида эса асосан узун аксонли нерв хужайралари учраши аниқланган.

Тадқиқотларда кам ўрганилган мушак пардасидаги ҳаракатлантирувчи (мотор, эффектор) нерв охирларининг морфологиясига эътибор қаратилди. Биз ўз тадқиқотларимизда қуёнлар қизилўнгачининг мушак пардасида ҳарактлантирувчи нерв охирларининг хилма-хил шакллари топишга муяссар бўлдик. Бу пардада нерв толаларининг тутамлари мушак толаларининг тутамлари йўналишига параллел равишда жойлашади ва улардан ажралиб чиққан алоҳида нерв толаси мушак толасига зич ёндошади ва ҳар хил шаклдаги калта тармоқлар ҳосил қилади. Бу тармоқларнинг жойлашувига қараб биз бир неча хил шаклдаги ҳарактлантирувчи охирлари кузатдик. Биринчи ҳолда у узум шингилига ўхшаш тузилишга эга (4 а, б-расмлар).



А




Б


4 - а, б расмлар. Қуён кизилўнгачи деворидаги ҳарактлантирувчи нерв охирлари. Бильшовский –Гросс модификацияси Об.40, ок.7.

Юқори даражада ипрегнацияланган нерв толаси мушак толасининг устида худди узум шингилига ўхшаб тармоқланади ва тармоқлари учида юмолоқ кенгаймалар ҳосил қилади.

Кўндаланг тарғил мушак толасининг устида жойлашган нерв тутамидан ажралиб чиққан претерминал нерв толаси мушак толасига ёндошгач бир нечта тармоқ ҳосил қилади (Ланглей мультпликация феномени) ва улардан баъзиларининг учида типик “тугмача” шаклида терминаллар кўринади. Нерв тутамининг давомидан ажралиб чиққан иккинчи претерминал нерв толаси тутам жойлашган мушак толасида кам тармоқланган пластикасимон эффектор нерв охирини ҳосил қилади. Шунингдек қуёнлар қизилўнгачининг барча қаватларида нисбатан интенсив ипрегнацияланган ва бир неча марта дихотомик тармоқланган нерв толалари кўзга ташланади. Бу морфологик белгилар уларнинг сезувчи нерв толаларига тобеълигидан дарак берган (5-расм).




А



Б

5-расм. Қуён қизилўнгачи девори интрамурал нерв тугуни ичида жойлашган поливалент рецептор (А) ва унинг РА-1 аппарати ёрдамида чизилган расми (Б). Рецептор микроскопнинг бир нечта оптик кесмасида жойлашганлиги туфайли фрагментар кўринишга эга. Бильшовский-Гросс услуби. Об.40, ок.10.


Шуни алохида таъкидлаш лозимки қизилўнгачнинг девори таркибидаги нерв толаларининг кўпчилик тутамлари спиралсимон жойлашган. Бу ҳолат унинг функционал кенгайишида (лукма ўтаётганда) бу нерв толаларининг ҳаддан ортиқ тортилмаслиги учун зарур захира узунлик ҳосил қилади. Худди шунга ўхшаш спиралсимон эгри – бугриликка эга бўлган ҳар хил калибрли нерв толалари қуён қизилўнгачи дистал қисми мушак ва шиллик ости пардалари чегарасида ҳам аниқланган (6- расм).



6 - расм. Қуён қизилўнгачи мушак ва шиллик ости пардалари чегарасида жойлашган спиралсимон шаклдаги ҳар хил калибрли нерв тутамлари ва улардан ажралиб чиққан нерв толалари. Бильшовский-Гросс бўйича импрегнация. Кармин бўёғи билан қўшимча бўялган. Об.10, ок 7.

Организм қон ва лимфа томирларининг функционал фаолияти уларнинг нерв аппарати билан узвий боғлиқ ва у томонидан бошқарилади. Қон томирлар асосан адренергик (симпатик) нерв толаларини тутати ва улар томонидан бошқарилади. Лекин организмнинг, шу жумладан қизилўнгач дистал қисми қон ва лимфа томирларининг адренергик нерв толалари билан таъминланиши даражасининг нисбий кўрсаткичлари етарлича

Ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб биз томондан қуёнлар қизилўнгачи дистал қисми артериялари, веналари ва лимфа томирларининг қиёсий адренергик иннервацияси ўрганилган (7-расм).




7-расм. Қуён қизилўнгачи артерия (А), вена (В) ва лимфа (Л) томирлари. Бильшовский – Гросс услуби модификацияси. Об. 20, ок. 7.

Қизилўнгач дистал қисмининг артериялари адренергик нерв элементлари билан кучли таъминланган. Уларда иккита адренергик нерв чигалини фарқлаш мумкин. Биринчиси - ҳар бир артерия ташқи томондан – яъни адвентиция пардасида перивасуляр адренергик нерв чигали ва у адренергик нерв тутамлари ва толаларининг зич жойлашувидан иборат. Бу чигал люминесцент микроскопда яшил зумрад рангидаги ғилоф тарзида жойлашган (8-расм). Расмда перартериал нерв чигалидан атроф тўқималарга йўналган алоҳида адренергик толалар ҳам кўринади. Бу периартериал адренергик нерв чигали артерияларнинг барча тармоқларини то артериолаларгача “кузатиб” боради. Артериялар тармоқланган жойда бу нерв чигали ҳам тармоқланади. Артериялар деворининг иккинчи нерв чигали бу уларнинг ўрта қаватида (мушак пардаси таркибида) жойлашган интраартериал адренергик нерв чигали бўлиб асосан нерв толаларининг ҳар хил йўналишдаги чигалидан иборат бўлиб улар асосан ҳалқасимон жойлашган. Алоҳида жойлашган адренергик нерв толаларининг ингичка тармоқларида медиаторларнинг нотекис жойлашуви кузатилади ва улар худди варикоз ўзгаришларга учрагандай кўринади.


Қизилўнгач дистал қисми веналарининг деворида адренергик нерв толалари артерияларникига нисбатан анча кам ва тарқоқ жойлашган. Уларда ҳам бу нерв толалари ташқи пардасида - яъни адвентиция пардасида жойлашган. Уларнинг йўналиши ҳар хил ва атрофдаги бошқа тўқималарнинг адренергик нерв толалари билан мураккаб уланишлар ҳосил қилади (9-расм).

Веналарнинг перивасуляр адренергик толалари у бўйлаб бир текис зичликда жойлашмаган.



8 расм

8 - расм. Қуён қизилўнгачи дистал қисми артериясининг ва унинг тармоқларининг периартериал адренергик нерв чигали ва бу чигалдан атрофдаги тўқималарга йўналган алоҳида нерв толалари. Глиоксил кислотаси эритмаси билан ишлов бериш услуби. Об.10, гомаль 5.



9 расм

9 - расм. Қуён қизилўнгачи дистал қисми венаси (В) ва унинг тармоғи билан кесишган артерия (стрелка). Артерия деворида адренергик нерв толалари кўп ва зич жойлашган, вена деворида эса кам ва бир-бирларидан маълум масофада жойлашган. Айримларида дихотомик тармоқланиш кузатилади. Глиоксил кислотасининг эритмаси билан ишлов бериш услуби. Об. 10, гомаль 5.

Қуён қизилўнгачи дистал қисми артерия ва веналарининг адренергик иннервацияси барча кўрсаткичлари бўйича кескин фарқ қилади. Артерияларда икки нерв чигали мавжуд бўлса, веналарда фақат периваскуляр нерв толалари кўринади ва улар яхши ифодаланган нерв чигали ҳосил қилмайди. Қизилўнгач дистал қисми лимфа томирларининг иннервацияси заиф ифодаланган бўлиб уларнинг ташқи пардасида жуда кам миқдорда мавжудлиги аниқланган. Люминесцент микроскопда қора тасмачалар шаклида кўринадиган лимфа томирлари тасвирида бу толалар яшил товланиши билан ажралиб кўринган.


Шундай қилиб, қуёнлар қизилўнгачи қон ва лимфа томирларининг адренергик нерв толалари билан таъминланиш даражаси ҳар хил эканлиги аниқланди. Бунда адренергик нерв толлари артерияларда периваскуляр ва интраваскуляр чигаллар ҳосил қилиб энг кўп ва зич жойлашганлиги, вена қон томирлари ва лимфа томирларида эса жуда камлиги ва улар чигал ҳосил қилмасдан алоҳида толалар шаклида жойлашганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Экспериментал жигар циррози шароитида ва пестицид таъсирида қуёнлар қизилўнгачи ҳар хил қисмлари деворининг, интрамурал нерв аппаратининг ҳамда қон ва лимфа томирлари адренергик иннервациясининг солиштирма морфологияси» деб номланган тўртинчи бобида экспериментал цирроз ҳамда “Циракс” пестициди ёрдамида экспериментал захарлантиришда қизилўнгач деворининг ҳар хил қисмлари деворидаги морфологик ўзгаришлар, интрамурал нерв аппарати, ҳамда қон ва лимфа томирлари адренергик нерв тузилмаларида кузатиладиган реактив ўзгаришлар ёритиб берилган.

Экспериментал жигар циррозининг дастлабки даврида куёнлар қизилўнгачи интрамурал нерв аппаратида асосан ортга қайтиши мумкин бўлган реактив ўзгаришлар, нерв толаларининг гиперимпрегнация ҳолати варикоз кенгаймалар пайдо бўлади. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, нерв тутамларининг таркибидаги барча нерв толаларида бу ўзгаришлар кузатилмайди.

Айрим ҳолларда бундай ўзгарган толаларни қон томирлари атрофида, безлар орасидаги бириктирувчи тўқима таркибда ҳам учратиш мумкин. Реактив ўзгаришга учраган нерв толалари қизилўнгачнинг дистал қисмида бошқа қисмларига нисбатан кўпроқ. Бундай ўзгарган толалар қизилўнгач деворининг барча қаватларида учратилган.

Қизилўнгачнинг мушак пардасидаги ҳаракатлантирувчи нерв толаларида ҳам реактив ўзгаришлар вужудга келади. Бу мотор (эффектор) нерв охирилариининг претерминаллари ва терминаллариининг ўлчамлари ортади, уларда ҳам гиперимпрегнация ходисаси кузатилган (10-расм).




10 - расм. Мушак толаси устидаги кучли импрегнацияланган (А) ва гипертрофия (йўғонлашув) ҳолатидаги претерминал ва ҳаракатлантирувчи нерв охири (Б). Кампос услубида импрегнация. Об.40, ок. 15К.


Экспериментал жигар циррози шароитида куёнлар қизилўнгачи веналарининг кенгайганлиги ва тўлақонлилиги яққол кўзга ташланади. Веналарнинг ўртача диаметри улар яқинида жойлашган артерияларникига нисбатан 6 мартадан 8 мартагача катта бўлади. Бу нисбат айниқса артерия ва веналарнинг кесишган жойларида аниқ кўринади. Тўлақонли веналарнинг қора тасмалар тарзидаги тасвирларида улар яшил зумрад рангида тиниқ товланиб аниқ кўринади. Артериялар веналар ва лимфа томирларидан периваскуляр адренергик нерв чигалининг миқдори ва жойлашуви жиҳатидан кескин фарқ қилган.

Люминесцент микроскопнинг коронғи кўриш майдонида артерияларни толалари зич жойлашган ва интенсив равишда яшил зумрад рангида товланадиган периваскуляр адренергик нерв чигали ғилоф тарзида ўраб олган бўлса (11-расм), артериялардан йўғонроқ қора тасмалар тарзида кўринадиган веналар деворида эса яшил рангда товланувчи адренергик нерв толалари яқка-яқка холда бир- бирларидан маълум масофада жойлашган (12-расм) нерв чигалининг миқдори ва жойлашуви жиҳатидан кескин фарқ

қилган ва умумий миқдори артерияларникига нисбатан анча кам бўлган адренергик нерв толаларини кўриш мумкин. Лимфа томирларида эса бундай толаларнинг миқдори веналарникидан ҳам камроқ эканлиги аниқ кўзга ташланган.



11-расм. Қуён қизилўнгачи артериясининг ташқи пардасида жойлашган гипертрофия ҳолатидаги ва чегераси ноаниқ адренергик нерв толаларининг чигали. Глиоксил кислотасининг эритмаси билан ишлов бериш услуби. Об.20, гомаль 5.




12-расм. Қуён қизилўнгачи венаси деворидаги гипертрофик ўзгаришга учраган адренергик нерв толалари (стрелкалар). Глиоксил кислотасининг эритмаси билан ишлов бериш услуби. Об.20, гомаль 5.

Экспериментал жигар циррози қизилўнгачнинг қон томирлари симпатик (адренергик) нерв тузилмаларида ҳам кўзга кўринарли ўзгаришлар пайдо бўлишига олиб келиши, бу эса пировард натижада қизилўнгачнинг қон билан таъминлашида салбий ўзгаришларга олиб келиши ва унинг дисфункциясига олиб келувчи сабаблардан бири бўлиши ҳақида хулосаларнинг морфологик асосларини ташкил қилувчи омиллардан бири бўлади, деб ҳисобланган.


Шундай қилиб, экспериментал жигар циррозининг дастлабки даврларида қуёнлар қизилўнгачи дистал қисми қон томирларининг адренергик нерв толаларида ортга қайтиши мумкин бўлган ўзгаришларга олиб келган. Цирроз ривожланишининг кейинги даврларида бу ўзгаришлар чуқурлаша борган ва нерв тузилмаларида дегенератив ўзгаришлар пайдо бўлишига олиб келган (13-расм).

Қизилўнгач деворида экспериментал захарлантириш натижасида интрамурал нерв аппаратида юзага келган морфологик ўзгаришлар ёритиб берилган. Экспериментал захарлантиришнинг дастлабки даврида қизилўнгач нерв аппаратида нерв толаларининг гиперимпрегнацияси, маълум даражада гипертрофияси ва варикоз ўзгаришлари кузатилган. Экспериментал захарлашнинг 5 суткаларида нерв элементларининг ўзгаришлари оғирлашади, гиперимпрегнация ва гипертрофия ҳолатлари кучаяди, варикоз кенгаймаларнинг сони ва ўлчами ортган.



13-расм. Қуён қизилўнгачи дистал қисми кенгайган ва тўлақонли венаси ва унинг деворидаги варикоз ўзгаришга учраган адренергик нерв толалари (стрелкалар). Глиоксил кислотаси эритмаси билан ишлов бериш услуби. Об.20, гомаль 3.

Нерв толаларининг фрагментацияси (кичик бўлакчаларга узилиши) кузатилган. Бундай ўзгарган нерв толаларини айниқса шиллик ости (Мейснер) нерв чигалида кўпроқ учратиш мумкин (14-расм). Расмда келтирилган нерв толаси гиперимпрегнацияланган, йўғонлашган ва кучли ифодаланган эгри-бугриликка эга. Тола ва уни тармоқлари маълум даражада фрагментацияланган. Аксарият ҳолларда бу ўзгарган толаларнинг дихотомик тармоқланиши кузатилади. Бу эса ўз навбатида бу толаларнинг афферент (сезувчи) характерга эга эканлигидан дарак берган.




14-расм. Қуён қизилўнгачи шиллик ости пардаси таркибида кучли импрегнацияланган ва қисман фрагментация ҳолатидаги алоҳида нерв толалари. Пестицид билан захарлашнинг 5 суткаси. Ўзгарган нерв толаларининг варикоз кенгаймалари орасида толанинг узилган жойлари мавжуд (фрагментация). Кампос услубида импрегнация. Об.20, ок.10.

Пестицид билан экспериментал захарлашнинг 5 суткасида нерв толаларининг тутамлари ўта кучли импрегнацияланиш натижасида улар таркибидаги нерв толаларининг орасидаги чегара кўринмай қолиши натижасида улар гомоген равишда қора рангда кўринади (15-расм). Бу ўзгарган нерв тутамлари ҳам албатта спираллашган эгри-бугриликка эга бўлади. Захарланиш муддатининг ортиши бу тоифа нерв охирилари янада чуқурроқ ўзгаришларига олиб келган (16-расм). Расмда келтирилган ҳаракатлантирувчи нерв охирилари претерминал толаси кескин йўғонлашган, терминаллари ўлчами ортган, шакллари ўзгарган. Баъзи терминаллар

деформацияга учраган. Препаратнинг умумий фонида бу терминал кескин ажралиб кўринади.



15-расм. Пестицид билан экспериментал таъсирнинг 5 суткаси. Қуён қизилўнгачи мушак ва шиллиқ ости пардалари чегарасидаги кучли импрегнацияланган ва спираллашган нерв тутами. Бильшовский-Гросс. Об.20, ок.10.



16-расм. Кучли гипертрофияланган ҳаракатлантирувчи нерв охири. Гипертрофияга учраган претерминал ва деформацияланган терминаллар (стрелка). Бильшовский-Гросс. Об 40, ок.10

Шундай қилиб, “циракс” пестицидининг қуёнлар қизилўнгачи интрамурал нерв аппаратининг барча таркибий тузилмаларига салбий таъсир қилиши тасдиқланган. Тажрибанинг дастлабки даврида (3-сутка) сезувчи нерв толаларининг, ҳаракатлантирувчи нерв охирлари претерминалларининг гиперимпрегнацияси, гипертрофияси ва варикоз ўзгаришлари аниқланган. Шунингдек ҳаракатлантирувчи нерв охирлари терминал тузилмаларининг кучли импрегнацияси ва ўлчамларининг ортиши кузатилган. Интрамурал нерв тугунларида нейроглиал хужайраларнинг гиперплазияси, айрим нерв хужайралари ўсимталарининг интенсив тармоқланиши аниқланган. Тажриба муддатининг кейинги 5- суткаларида нерв элементларининг ўзгариши кучли ифодаланади ва айрим нерв тузилмаларининг деформацияси кўзга ташланган.

ХУЛОСА

1. Қуёнлар қизилўнгачи деворининг таркибий тузилмалари структурал тамойили бир хил бўлсада, унинг ҳар хил қисмлари ўзига хос морфологик ва морфометрик кўрсаткичларга эга. Қизилўнгачнинг проксимал қисми девори қалинлиги $35,68 \pm 1,25$ га, ўрта қисми $40,13 \pm 0,83$ га ва дистал қисми $74,85 \pm 3,08$ га тенг. Қизилўнгач деворининг дистал қисми қалинлиги унинг проксимал қисмидан 2.1 баробар, ўрта қисмидан 1.9 баробар қалин. Қизилўнгач дистал қисмида бошқа қисмларидан фарқли равишда алоҳида – артериялардан ҳоли жойлашган ва ҳар хил калибрли веналардан ташкил топган веноз чигалининг мавжудлиги аниқланди.

2. Қизилўнгач нерв аппаратининг ўзига хос хусусияти унинг деворидаги аксарият нерв толалари ва улар тутамларининг ўта эгри-бугри ҳолда жойлашуви, мушак пардасида ва айниқса кўндаланг тарғил мушак тўқимаси толаларида кўплаб ҳаракатлантирувчи нерв охирлари аниқланганлигидир. Бу тузулманинг ўзига хослиги овқат махсулоти қизилўнгачдан ўтиш вақтида

текистланиб захира вазифасини ўташи билан боғлиқ. Нерв охирлари аксарият қисмининг терминал соҳасида Ланглей мултипликацияси ҳолати аниқланди. Терминаллар аксарият қисмининг шакли юмолоқ ва овалсимон шаклга эга.

3. Қизилўнғач артериялари деворидаги адренергик тузилмалар периваскуляр ва интраваскуляр адренергик нерв чигалларини ҳосил қилиб зич жойлашганлиги, веналарида эса кам миқдорда тарқоқ жойлашганлиги, лимфа томирларида энг кам миқдорда учраши аниқланди.

4. Экспериментал жигар циррозида қизилўнғач дистал қисмининг қалинлиги назорат гуруҳига нисбатан 1.4 баравар юпқалашгани аниқланди. Экспериментал жигар циррози ва пестицидлар таъсирининг дастлабки даврида қизилўнғач нерв тузилмаларида ортга қайтиши мумкин бўлган реактив ўзгаришлар, кузатиш муддатининг узайишида эса айрим ортга қайтариб бўлмайдиган дегенератив ўзгаришлар пайдо бўлиши аниқланди. Экспериментал гуруҳ хайвонлари қизилўнғачи интрамурал нейронлари ядро-цитоплазматик нисбати кўрсаткичи 0.21 ни ташкил қилиб, назорат гуруҳига нисбатан 1.33 баробар камайган. Экспериментал гуруҳ хайвонлари қизилўнғачи қон томирлар девори адренергик нерв толаларидаги ўзгаришлар кучлироқ ифодаланганлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.01.
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХАМРАЕВ АКБАР ХАЙРУЛЛОЕВИЧ

**МОРФОЛОГИЯ ИНТРАМУРАЛЬНОГО НЕРВНОГО АППАРАТА
ПИЩЕВОДА И РЕАКТИВНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ ЕГО ПРИ
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОМ ЦИРРОЗЕ ПЕЧЕНИ И ВОЗДЕЙСТВИИ
ПЕСТИЦИДА**

14.00.02 – Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/Tib1484.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.bsmti.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).


Научный руководитель	Орипов Фирдавс Суръатович доктор медицинских наук
Официальные оппоненты	Хасанова Дилноза Ахроровна доктор медицинских наук Шатманов Суйнали Токтоназарович доктор медицинских наук, профессор (Республика Кыргызстан)
Ведущая организация	Тернопольский национальный медицинский университет имени И. Горбачевского (Украина)

Защита диссертации состоится «25» ноября 2022 г. в 12³⁰ часов на заседании Научного DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте. (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. А. Навоий шох, 1. Тел./Факс (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №030). Адрес: 140100, г. Бухара, ул. А. Навоий шох, 1. Тел./Факс (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Автореферат диссертации разослан «25» ноября 2022 года.
(протокол рассылки №32 от 23 ноября 2022 года).




А.Ш.Иноят
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор


Д.Н.Ачилова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней (PhD),
доцент


Б.З.Хамдамов
Председатель Научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней доктор медицинских
наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время наиболее распространенной гастроэнтерологической патологией являются нарушения функциональной и органической деятельности органов пищеварения, что является актуальной медицинской и социальной проблемой, которая сопровождается увеличением уровня заболеваемости среди населения с каждым годом. По данным Всемирной организации здравоохранения: «...в мире у четверти населения наблюдается нарушение функциональной и органической деятельности органов пищеварения, и 75% пациентов с симптомами заболевания не обращаются за медицинской помощью, а занимаются самолечением...»¹. Одним из основных факторов, вызывающих заболевание, являются такие химические вещества, как пестициды, загрязняющие окружающую среду. В то же время, раннее выявление нарушений функциональной и органической деятельности органов пищеварения, оценка воздействия факторов риска, анализ морфологических и морфометрических изменений, профилактика осложнений заболевания, назначение лечения с учетом патогенетических особенностей и снижение риска заболевания являются проблемами требующими решения в медицине.

В мире был проведен ряд научных исследований, направленных на прогнозирование течения болезни, определение сроков лечения и дальнейшее совершенствование данных методов с учетом наличия остатков пестицидов во всех продуктах питания и их влияния на нервный аппарат, развитие различных врожденных дефектов в эмбриональном периоде. При этом проведение научных исследований, направленных на совершенствование комплекса мер по индивидуальному выбору лечебного процесса, оценке качества жизни пациентов, а также практическому соблюдению порядка эффективного лечения при помощи изучения адренергической иннервации (артерии, вены и лимфатических сосудов), а также выявления морфологических изменений в системе пищеварения при воздействии пестицидов с учетом отличий в относительном расположении поперечно-полосатой и гладкой мышечной ткани в стенке пищевода различных экспериментальных животных, осуществления его кровоснабжения за счет различных источников.

В нашей стране принимаются комплексные меры по развитию медицинской сферы, в частности, по снижению частоты функциональных и органических нарушений органов пищеварения и их осложнений, а также по совершенствованию методов лечения и профилактики заболеваний, достигнуты определенные результаты. В 2022-2026 годах в стратегии развития по семи приоритетным направлениям Республики Узбекистан определены «...задачи развития и совершенствования системы медико-социальной помощи в целях обеспечения полноценной жизни уязвимых

¹ Н.М. Козлова Функциональные заболевания органов пищеварения Иркутск. ИГМУ. Учебное пособие для врачей. 2013.

